Ёруғ туйғуларга тўла нафосат айёмингиз муборак, муҳтарама онахонлар, мунис опа-сингиллар!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 8-mart, shanba № 31 (3380)

Ҳеч иккиланмасдан айтмоқчиман: ўзининг гўзаллиги ва фидойилиги, меҳнаткашлиги ва бағрикенглиги билан бизнинг юртимиз аёлларига тенг келадиган аёллар дунёда камдан-кам топилади.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз орзиқиб кутган сўлим баҳор кириб келиши билан табиат очилиб, кўнгилларимиз ёруғ туйғуларга тўлиб бораётган мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Биз бугун Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган, ҳаёт давомийлиги ва абадийлигини ўзида мужассам этган аёл зотини, табаррук оналарни улуғлар эканмиз, беихтиёр мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир» деган мазмундаги ҳикматли сўзларини эслаймиз ва муқаддас Она сиймоси олдида таъзим қиламиз.

Ўзининг латофати ва нафосати, вафо ва садоқати, қалб саховати билан оилани оила қиладиган, хонадонларимиз бекаси ва чароғбони бўлмиш сиз, мунис аёлларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, сизларни ҳар қанча эъзозлаб, бошимизга кўтарсак, арзийди, албатта.

Азизларим!

Ҳеч кимга сир эмас, мен давлат раҳбари сифатида доимо ўз чиқишларимда сиз, аёл зотига юксак ҳурмат ва эҳтиром билдириб, олдимизда турган улкан вазифаларни амалга оширишда, рўзғор ва оила тебратишда, ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилишда, қайси соҳа бўлмасин, сизларнинг қўшаётган беқиёс ҳиссангизни ўзимга яққол тасаввур қилиб, сизларга яна ва яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишдан чарчамайман.

Ҳақиқатан ҳам, сиз, азизларнинг юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини кучайтиришдаги ўрнингиз ва таъсирингизни, чидам ва сабр-бардош, оқилалик ва шукроналик каби фазилатларингизни ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди. Ҳеч иккиланмасдан айтмоқчиман: ўзининг гўзаллиги ва фидойилиги, меҳнаткашлиги ва бағрикенглиги билан бизнинг юртимиз аёлларига тенг келадиган аёллар дунёда камдан-кам топилади.

Ҳурматли ватандошлар!

Биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги, иқтисодиётимизнинг турли соҳаларидаги нуфузини ошириш бўйича қандай катта қадамлар қўйганимиз ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Бугун биз бошимиздан кечираётган, тез ўзгариб бораётган глобаллашув замонида сизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳаётимизнинг ҳал қилувчи устувор йўналишларида, замон талаблари билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, улкан ютуқларга эришаётганингизни биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бугунги кунда юртимизда меҳнатга лаёқатли бўлган хотин-қизларимизнинг 62 фоиздан зиёди иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасида фаол меҳнат қилмоқда.

Тан олиш керакки, аёллар бандлиги ҳақида сўз юритганда, биз одатда хотин-қизларнинг меҳнати асосан таълим соҳасида, аввало, боғча ва мактабларда, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида, енгил ва озиқ-овқат саноати, қайта ишлаш тармоқлари каби анъанавий йўналишларда, маданият ва санъат соҳасида кўпроқ талаб этилади, деб ҳисоблашга ўрганиб қолганмиз.

Шу муносабат билан бундай эскича қарашларни рад этадиган, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликда қизиқиш уйготадиган баъзи бир аниқ рақам ва мисолларни келтиришни ўринли деб биламан.

Мисол учун, бугунги кунда фақатгина умумий ўрта таълим мактабларида хизмат қилаётган муаллим ва мураббийларнинг 70 фоизга яқинини аёллар ташкил қилади. Айни вақтда таълим-тарбия соҳасида энг замонавий босқич бўлмиш касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар тизимида меҳнат қилаётган опа-сингилларимизнинг улуши қарийб 50 фоизни, олий ўқув юртларида эса аёл профессор-ўқитувчилар 43 фоизни ташкил этиши алоҳида эътиборлидир.

Ёки соғлиқни сақлаш тизимини оладиган бўлсак, соҳадаги тиббий хизматчиларнинг 78 фоизи хотин-қизлар бўлиб, уларнинг салкам 53 фоизи врач аёллардир. Улар тиббиёт соҳасининг деярли барча тармоқларида, жумладан, энг мураккаб, юқори технологияларга асосланган, ихтисослашган йўналишларида фаол иш олиб бормоқда. Шифокор аёлларимизнинг 1 минг 100 нафардан ортиғи илмий даражага эга бўлиб, бу олий малакали врачлар умумий сонининг 37 фоизини ташкил қилади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва технологик янгилаш бўйича амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларимиз натижасида иқтисодиётнинг автомобилсозлик, микробиология, фармацевтика, электрон ва электротехника саноати, ахборот-коммуникация технологиялари, сервис ва бозор иқтисодиёти хизматлари каби юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқларида ҳам хотин-қизларнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда аёлларимизнинг нозик қўллари, интеллектуал салоҳияти, тиришқоқлиги ва маҳорати билан мазкур соҳалар юртимизда кенг ривож топмоқда, бошқача айтганда, аёл зоти ана шу ўта мураккаб жабҳада ҳам барчани қойил қолдирмоқда.

Мамлакатимиздаги мобиль алоқа ва интернет-провайдер операцияларини бажарадиган муассасаларда ишлаётган ходимларнинг қарийб 55 фоизини, молия ва кредитлаш соҳасида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг эса 43 фоиздан ортиғини опа-сингилларимиз ташкил этаётгани ҳам бу фикрнинг амалий тасдиғидир.

Бугунги ҳаётимизнинг яна бир муҳим, ўзига хос жиҳати сўнгги йилларда тадбиркорлик, хусусий ва оилавий бизнес соҳасида ҳам аёлларнинг иштироки кучайиб бораётганида намоён бўлмоқда. Буни охирги ўн йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улуши 1,6 баробар ошгани, кичик бизнес субъектларининг 40 фоизини айнан улар бошқараётгани мисолида кўриш мумкин.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатчиларнинг қарийб ярмини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бинобарин, юртимизда мўл-кўл пахта ва ғалла, пилла, сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга, бозор ва дўконларимиздаги тўкинчилик ва арзончиликни таъминлашга катта ҳисса қўшаётган заҳматкаш ва фидойи опа-сингилларимизга ҳар қанча таҳсин айтсак, арзийди, албатта.

Бугунги кунда хотин-қизларимиз мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, минглаб аёллар сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият ва вакиллик органларида, нодавлат ташкилотлар тизимида самарали иш олиб бораётганини айтиш ўринлидир. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибида 33 нафар, Сенат таркибида 16 нафар аёл депутат борлигини, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида мамлакатимиз парламентининг қуйи палатасининг раиси ҳамда юқори палатаси раҳбарининг ўринбосари сифатида аёллар фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, Бош вазир муовини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарларидан бири аёл эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маҳаллаларимизда маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиликдек энг нозик, энг мураккаб вазифани ўз масъулиятига олган, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёш оилалар, айниқса, энди ҳаётга қадам қўяётган қизларимизга тўғри йўл кўрсатиш, уларнинг ташвиш ва муаммоларини ечишда энг яқин кўмакчи ва маслаҳатгўй бўлиб келаётган айни шундай опа-сингилларимизга чин юракдан ташаккур изҳор этишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Мустақиллик йилларида юртимизда 13 нафар опа-сингилларимиз «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий унвонга мушарраф бўлдилар. **Лекин менга буюрса, ҳам давлат хизматини, ҳам жамоат ишини, ҳам оила ва рўзғор юмушларини, ҳам фарзанд тарбиясини қойил қилиб бажариб келаётган барча-барча аёлларни қаҳрамон деб айтган бўлардим.**

Мана шундай мураккаб, керак бўлса, эркаклар ҳам кўтаролмайдиган оғир вазифаларни ўзининг нозик елкасида кўтариб келаётган, нолимасдан, доимо шукроналик билан яшайдиган аёллар билан барчамиз ҳақли равишда фахрланишимиз, улардан ўрнак олишимиз лозим.

Қадрли опа-сингиллар!

Юртимизда 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши аввало аёлларимизнинг кўнглидаги иш бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Нега деганда, боланинг соғлом туғилиши, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга бўлган баркамол авлод бўлиб вояга етиши, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллаши қандай буюк ва бебаҳо бахт эканини биринчи навбатда она зоти теран англайди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида ўз ифодасини топган, хусусан, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизни обод қилиш бўйича кенг кўламли ишларимизни изчил давом эттириш, янги-янги корхоналар, мактаб, лицей ва коллежлар, тиббиёт, маданият ва спорт объектлари, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 11 мингта замонавий уй-жой барпо этиш каби кўплаб тадбирлар ҳам аввало ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўлида янги, амалий қадам бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, мазкур дастур доирасида жами 4 триллион 509 миллиард сўмдан зиёд ва салкам 303 миллион доллар миқдоридаги маблағ сарфлаш белгиланган бўлиб, бу халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, аёлларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилади.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушунамизки, хотин-қизларимиз учун янада қулай шароит яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакаси, истеъдод ва салоҳиятини амалда намоён этишига кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Юртимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг онгини четдан ёпирилиб келаётган турли хавф-хатарлар, «оммавий маданият» хуружларидан сақлаш, оилаларда, маҳаллаларда олиб бораётган тарбиявий ишларимизнинг самарасини оширишни бугун тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шу борада мен жондан азиз фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни болаликдан бошлаб замонавий билим ва касб-ҳунарларга, маданият ва спортга ошно этиш, урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда сиз, муҳтарама аёлларимизга, сизларнинг ақл-заковатингиз, жонкуярлик фазилатларингизга таянаман.

Азиз ва қадрли опа-сингиллар!

Сизларни баҳор элчиси бўлган, ўзингиздек гўзал ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Умрингиз узоқ, иқболингиз зиёда бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин!

Доимо оилангиз ва фарзандларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Меҳр-муҳаббат, гўзаллик, фидойилик рамзи

«Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар 7 март куни Тошкентдаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Пойтахтимиздаги ибратли маҳаллалар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари фаолияти мисолида оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, қизлар саломатлиги ҳақидага ғамхўрликнинг самаралари билан танишди.

Шу куни «Туркистон» саройида ушбу сана муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ижтимоий-иқтисодий, илм-фан, маданий-маърифий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган аёллар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-саҳифада).

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида Сирдарё вилоятида ташкил этилган саломатлик ҳафталиги доирасида 12 мингга яқин аёллар ва болалар тиббий текширувдан ўтказилди.

Аҳоли саломатлиги йўлида

— Тиббий кўрик мамлакатимизда аҳоли саломатлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалдаги ифодасидир, — дейди Гулистон туманидаги «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Моҳира Сатторова. — Бундай хайрли ишлар бизнинг нафақат саломатлигимизни мустаҳкамлайди, балки фарзандларимизнинг келажагига, эртанги кунга бўлган ишончимизни ҳам оширмоқда.

Ҳафталик давомида Оқолтин, Сардоба, Ховос, Сайхунобод туманларининг чекка қишлоқларидаги 5 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

А.МУСТАФОҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

Шарафли касб соҳибалари

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлат божхона қўмитаси раиси З.Дўсанов божхона органларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар фарзандларини тарбиялаш, вояга етказиш, оиласида саранжом-саришталикни таъминлаш баробарида ўзларининг касб вазифаларини ҳам сидқидилдан бажараётгани, иқтисодий хавфсизлигимизни ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Уларнинг маҳорати, чуқур билимга эгалиги, оқилалиги, зийраклиги, меҳрибонлиги ва дилбарлиги алоҳида ҳурматга сазовордир.

Айни пайтда мамлакатимиз божхона хизматида 800 нафарга яқин хотин-қиз эркаклар билан тенг фаолият кўрсатмоқда. Ушбу шарафли касб соҳибалари ҳушёр ва қатъиятли, мавжуд вазиятни теран таҳлил эта олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Тантанали йиғилишда юксак касбий маҳорати, меҳнатсеварлиги билан бошқаларга ўрнак бўлаётган ва зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажараётган божхоначи хотин-қизларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбир байрам концерти билан якунланди.

ЎзА

Ishonch
2014-yil 8-mart № 31 (3380)

Опасиз, сингилсиз, севимли ёрсиз,

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш, уларга замонавий касб-ҳунар сирларини ўргатиш, Ватанимиз обрўси ва нуфузини тобора юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида хотин-қизларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташкил этилиши хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби эзгу йўналишлардаги ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони аёлларни ижтимоий ҳимоялашга оид ишларни кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, фаолияти хотин-қизларга оид жамоат тузилмалари ишини доимий мувофиқлаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Она ва бола скрининги, перинатал марказлари, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиникалар, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари хотин-қизлар саломатлигига ғамхўрликни янада кучайтириш имконини бермоқда. Шу билан бирга, бадиий гимнастика, синхрон сузиш каби спортнинг нафис турлари жадал ривожланиб, жаҳон андозалари даражасидаги мактаблар, спорт-соғломлаштириш мажмуаларининг барпо этилаётгани чекка ҳудудларда ҳам қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бир қатор ижтимоий дастурлар самарасида аёлларни иш билан таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда хотин-қизлар учун 466 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ўз бизнесини бошлаш истагидаги хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, улар учун имтиёзли кредитлар ажратишга катта аҳамият берилди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, миллий ва замонавий либослар ателъелари қуриб, фойдаланишга топширилаётгани хотин-қизлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, уларнинг янада кўркам ва латофатли бўлишига имкон яратмоқда.

Меҳр-муҳаббат, гўзаллик, фидойилик рамзи

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар туфайли хотин-қизларнинг маҳаллалар фаолиятидаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари тизимида меҳнат қилаётган аёллар кўпчиликни ташкил этаётгани, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида элда обрў топган аёлларнинг фаолият олиб бораётгани қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш, тўйларни ихчам тарзда ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Хотин-қизларни қадрлаш, доимий эътибор ва ғамхўрликни кундалик турмушда, меҳнат фаолиятимизда, фарзандларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда ҳис этмоқдамиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулхумор Айтбоева. — Давлатимиз раҳбари томонидан Соғлом бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шароитлар яратиш, қизлар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик кўрсатишга оид ишлар кўлами ортмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 3 мартда қабул қилган қарорига мувофиқ бу йил 16 қизга Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилди. Бу истеъдодли қизларни рағбатлантириш борасидаги ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир. Тадбирда мазкур мукофотлар топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси Айжамал Жолдасбаева, Қарши давлат университетининг 4-босқич талабаси Мафтуна Нодирова, Навоий вилояти Зарафшон компьютер технологиялари коллежи 1-босқич ўқувчиси Зария Қосимова истеъдодли қизларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Сарвар ЎРМОНОВ,
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган суратлар

Фото кўргазма

Кўнгил фариштаси, хонадон чироғи, оила таянчи бўлмиш аёл сиймоси халқимиз тасаввурида азал-азалдан эзгулик тимсоли бўлиб келган. Аёллари эъзозланган, қадрланган юртда яшар эканмиз, ҳар бир соҳада хотин-қизларга кўрсатилаётган эҳтиром ва эътиборни кўришимиз мумкин.

Обод юртнинг бекалари

«Чинобод санаторийси» ОАЖда «Ҳеч бир гулга Сизни ўхшатмам...» 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни «Чинобод санаторийси» ОАЖ бошқарув раиси М. Мадаминова очиб, турли соҳаларда меҳнат қилиб, обрў-эътибор топаётган аёлларимиз сафи кенгайиб бораётгани замирида ҳам мамлакатимизда мунис опа-сингилларимизга қаратилаётган ғамхўрлик мужассамлигини таъкидлади.

— Ҳар бир давлатнинг маънавий қудрати аёлларга кўрсатилаётган эъзоз ва эътиборда намоён бўлади, — дейди «Чинобод санаторийси» ОАЖ «Маънавият ва маърифат» кенгаши котиби В.Тожиев. Қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг аксариятида аёллар учун янада қулай имтиёз ва шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчисига айлантириш муҳим вазифа қилиб белгиланмоқда. Қатор шифо масканлари, қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти такомиллашиб, оналар ва болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётганлиги бугун нафақат юртимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам намуна сифатида эътироф этилмоқда.

Тадбир доирасида «Обод юртнинг — озод аёли» мавзуидаги фотокўргазма ташкил этилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Қутлуғ кун шарафига

Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида «Мунис ва меҳрибон муҳтарам аёл» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмитаси ташкил этган мазкур анжуманда 700 нафар ўқитувчи ва талаба қатнашди.

Мунис ва меҳрибон

«Моҳир қўллар» кўргазмасига қўйилган, қўлигул қизлар тиккан кашта-ю сўзаналар барчада илиқ таассурот қолдирди.

Тадбир асноси институтнинг зукко ва лобар етти талабаси ноанъанавий, билимлар хазинаси, бекалик маҳорати шартлари бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. Зукко дилбарлар баҳсида иқтисод факултети талабаси Гулнозахон Дилмуродова энг кўп очко жамғарди.

Институт талабалари томонидан Хотин-қизлар куни муносабати билан тайёрланган мусиқий дастур барчада катта таассурот қолдирди. Мунис ва меҳрибон аёллар, оналар ҳақидаги шеър ва қўшиқлар барчага хуш кайфият улашди.

Тадбирда 22 нафар профессор-ўқитувчи, 12 нафар ходим, 15 нафар орастабону, 8 нафар талаба касаба уюшма қўмитаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Юзда табассум билан

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида онахонлар ва ишлаб чиқаришда ўрнак кўрсатаётган хотин-қизлар, касаба уюшма фаоллари иштирок этдилар.

— Турмушимиз ободлиги ва фаровонлиги, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталик кўп жиҳатдан, сиз, азиз опа-сингилларимизга боғлиқ, — деди бирлашма кенгаши раиси А.Аҳмедов иштирокчиларни қутлар экан. — Ҳар бир жамиятнинг маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила ва жамиятдаги фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аёллар масаласида 90 га яқин норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Сизларнинг ўз иқтидорларингизни намойиш этишингиз, меҳнатни оилавий юмушлар билан бирга олиб боришингиз учун етарли шароитлар яратилди. Касаба уюшмалари бу борада ишончли суянчингиздир.

Тадбирда эл суйган санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ички ишлар идораларида

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «Сен муқаддассан, Аёл» мавзуида байрам тадбири ўтказди. Унда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши масъул ходимлари, ички ишлар тизимида хизмат қилаётган шаҳодатланган ва эркин ёлланган ходималар иштирок этди.

Сен муқаддассан...

— Аёлни эъзозлаш, унга юксак эҳтиром кўрсатиш шарқона гўзал одатларимиздан, — деди шаҳар ИИББ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуд Яқубов. — Ички ишлар идоралари тизимида ҳам хотин-қизларнинг эркаклар билан бир сафда туриб барқарорликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, халқ фаровонлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида фаолият кўрсатаётгани таҳсинга сазовор. Улар фақат байрам кунлари эмас, доимо ардоғимизда.

Тадбирда фаол ва касаба уюшмалари тизимида кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган ходималарга ИИББ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Республика хотин-қизлар қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

— Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ аёллар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, нафосат соҳибаларига юксак эътибор ва эъзоз кўрсатиб келинмоқда, — деди тақдирланганлардан ИИББ қўриқлаш бошқармаси молия-иқтисод бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Нодира Қудратова. — Бунга жавобан мамлакатимиздаги барча фидойи хотин-қизлар каби, бошқармамиз бўлимларида хизмат қилаётган ходималар ҳам зиммамиздаги шарафли, шу билан бирга, масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиб келяпмиз.

Тадбирда «Тасанно» болалар гуруҳининг чиқишлари, «Ўзбекча рақс» спектакли намойиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Тошкент Тиббиёт Академияси 3-клиникаси ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда уюштирган байрам тадбири Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланди. Турфа гуллар билан безатилган Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида дилбар аёллар ва лобар қизлар жамулжам бўлди.

Эъзоз

Клиника бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Жасур Ризаев муҳтарама аёлларни байрам билан самимий табриклаб, Ватанимиз тараққиёти, турмушимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда, оилаларимиз мустаҳкамлигида аёлларнинг ўрни ўзига хос эканлиги, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йил сайин кўпроқ эътибор қаратилаётгани, бу борада маъмурият ва касаба уюшмаси ҳамкорлиги ўз самарасини бераётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда ТТА 3-клиникасида фаолият кўрсатган нафақадаги фахрийлар, узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган аёлларга фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари топширилди.

— Клиникамизда 1218 нафар касаба уюшма аъзоси бўлиб, 965 нафарини аёллар ташкил этади, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Ойжамол Эшова — Жамоамизнинг асосий қисми хотин-қизлардан иборат бўлгани учун, уларнинг иқтисодий аҳволи ҳамда соғлиғи ҳамиша диққат-марказимизда. Шу нуқтаи назарда, клиникада меҳнат қилаётган 48 нафар аёлга маъмурият томонидан жами 20 448 минг сўм, касаба уюшмаси маблағидан 1 750 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 923 нафар тиббиёт ходими бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Дилрабо куй ва қўшиқлар кечага байрамона кайфият бағишлади.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Фасллар дилбари сўлим баҳорсиз

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Унда жамоада меҳнат қилаётган саксондан ортиқ ходималар ва ҳозирда нафақада бўлган фахрийларга тадбир ташкилотчилари фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширди.

Таниқли санъаткорлар, Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти ҳамда университет талабаларининг куй-қўшиқ ва дилтортар чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Биз эккан ниҳоллар

Вилоятимизда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 25 мингдан зиёд ўқувчи қизларга ҳар йили Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Президент совғаси — спорт кийимларини тантанали топшириш анъанага айланган. Менга шундай қувончли маросимларда иштирок этиш, истиқлол берган улуғ неъмат туфайли эришган ютуқларимни ўзим тенги ёшларга сўзлаб бериш катта мамнуният бахш этади.

Орзуим – Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш

Юртбошимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли тенгдошларим орасидан мамлакатимиз довруғини жаҳонга таратаётган кўплаб спортчилар етишиб чиқаётир. Кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик бизни аъло ўқиш, Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб вояга етиш, юртимиз шарафини жаҳон миқёсида юксак босқичга кўтаришга чорлаётир.

Айни пайтда вилоятимизда спортга бўлган эътиборнинг ёрқин исботи ўлароқ, республика олимпия захиралари коллежида 25 нафар, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида 80 нафар, Жиззах давлат педагогика институтида 250 нафар қиз таълим оляпти.

Кези келганда ўзим ҳақимда озгина тўхталсам. Жиззах шаҳрида туғилганман. 2006 йили 19-мактабнинг 8-синфини битириб, Тошкентдаги республика олимпия захиралари спорт мактабида ўқишни давом эттирдим. Сўнгра коллеж... 2010 йили Жиззах давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетига имтиёзли равишда қабул қилиндим. Ўқишдан бўш пайтларимда олимпия захиралари спорт коллежида мураббийлик қилаяпман.

Ўн икки ёшимдан дзю-до билан шуғулланиб келаман. Илк бор республика биринчилиги учун 2004 йили Қарши шаҳрида ўтказилган мусобақада бронза медалини қўлга киритганимда, устозим Хайрулла Абдураҳмонов қанчалар қувонгани ҳамон кўз ўнгимда.

Дзю-до бўйича ўтказилган республика биринчиликларида 10 та олтин, 3 та кумуш, 4 та бронза медалларини қўлга киритдим. 2008 йилда Таиландда ўтказилган 14-жаҳон ёшлар чемпионатидан совриндор бўлиб қайтган бўлсам, 2009 йили Қозоғистонда уюштирилган халқаро турнирда ғолиблик насиб этди. Осиё биринчилигида уч бора совриндор бўлдим.

Айни пайтда олийгоҳнинг сўнгги босқичида таҳсил олиш баробарида дзю-до бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларга пухта ҳозирлик кўраяпман. Орзуим — Осиё ва жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб бўлиш ва Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришдир.

Ирода МАТМУРОДОВА,
Жиззах Давлат педагогика институти
IV курс талабаси,
дзю-до бўйича ўн карра
Ўзбекистон чемпиони,
мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти
соҳибаси

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларида

Мамлакатимизда аёлларнинг жамоат ишларида фаол иштирок этишлари учун барча имкониятлар бор. Ҳозирда ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларда уларнинг ҳиссаси катта. Бугун аёл раҳбар, тадбиркор, оқила муаллима-ю шифокор...

Жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари аёлларга турмуши, саломатлиги борасида иш берувчи билан келишган ҳолда қатор имтиёз ва кафолатлар яратиб бермоқда. Меҳнат жамоаларида амалда бўлган меҳнат шартномалари, келишувларда қатор енгилликлар кўзда тутилган. Бундан ташқари, хотин-қизлар кенгаши ва комиссиялари иштирокида мулк шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот, муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига «Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлими киритилди.

Етакчи куч

Ўтган йили аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишига кўмаклашиш, тиббий маданиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширдик. Бирлашма кенгаши қошидаги хотин-қизлар комиссияси, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда қишлоқ аёллари фаоллигини ошириш борасида давра суҳбатлари ташкил этилди. «Репродуктив саломатлик», «Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари», «Туғруқ оралиғини сақлаш», «Оила — муқаддас қўрғон», «Ҳуқуқингизни биласизми?» мавзуларида учрашувлар, вилоят хотин-қизлари ўртасида «Саломатлик» спартакиадаси ташкил этилди.

Ўтган даврда бирлашма кенгаши қошида фаолият юритаётган «Ишонч телефони» орқали ҳудудда истиқомат қилаётган 23 нафар хотин-қизнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилди.

Хотин-қизларни иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, улар манфаатлари устуворлигига эришиш борасидаги ишларимиз кўлами кенгаймоқда. Вилоятимиздаги кам таъминланган аёллар, ногиронлар, «Саховат» ва «Мурувват» уйларида истиқомат қилаётган кексалар, қишлоқ аёлларидан 800 нафарига ижтимоий мадад кўрсатилди. Корхоналарда амалда бўлган жамоа шартномалари ва келишувлар орқали 4252 нафар кам таъминланган хотин-қиз моддий ёрдамдан баҳраманд бўлди. 24 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди. Уч ёшгача фарзанд тарбияси билан машғул бўлган 350 нафар аёлга ёрдам кўрсатилиб, 265 нафар аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмаслиги белгилаб қўйилди.

Аёлларни спортга жалб этиш борасидаги ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, «Саломатлик» спартакиадасида спортнинг беш тури бўйича беллашувлар ташкил этилиб, унда тўрт мингдан ортиқ хотин-қизлар иштироки таъминланди. Ғолиблар касаба уюшмаси томонидан муносиб тақдирланди. Бир сўз билан айтганда, аёл бугун ўзини жамият ардоғида эканлигини тўла ҳис этиб яшаётир.

Маҳлиё РАЗЗОҚОВА,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

Тиббиёт масканларида

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган қатор давлат дастурлари асосида соҳани янада такомиллаштириш, илғор тажриба ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, бирламчи тиббий хизматни аҳоли яшаш жойларига яқинлаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган марказлар ҳамда шошилинч тиббий хизмат тизимини шакллантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқларга эришилди. Бугун қайси қишлоққа қадам қўйманг, муҳташам қишлоқ врачлик пунктига кўзингиз тушади. Улардаги хизматнинг кўнгилдагидек эканлиги янада қувонарли.

Бизда жонкуярлар ишлайди

— дейди «Исковот» ҚВП мудираси Малика Эралиева

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти» танловида биринчи ўринни эгаллаб, «Дамас» автомашинаси билан тақдирланган «Исковот» ҚВП фаолияти фикримиз далилидир. Пункт Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида жойлашган бўлиб, истиқлолимизнинг 21 йиллиги айёмида янги, замонавий бинода фаолият бошлади. Умумий амалиёт, кундузги шифохона, физиотерапия, стоматология, лаборатория, аёллар кўриги, эмлаш, муолажа, стерилизация хоналари ҳамда дорихонадаги шароитни кўриб, «шаҳарга келиб қолдимми?» дея ўйлашингиз табиий. Бу ерда аҳоли, хусусан, репродуктив ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар тиббий кўригини юқори савияда ташкил этишда биохимик анализаторлар, офталмоскоп, бинокуляр микроскоп, фетал доплер ҳамда ЭКГ каби замонавий лаборатория таҳлил аппаратларидан самарали фойдаланилмоқда.

— Масканимизда ўз касбини севувчи фидойилар меҳнат қилади, — дейди ҚВП мудираси Малика Эралиева. — Улардан беш нафари олий тоифали врач, 20 нафари ўрта тиббиёт ходими, беш нафари кичик тиббиёт ходимидир. Ҳудудимиздаги «Тинчлик», «Маданият», «Янгиобод», «Қандиён» МФЙда истиқомат қилувчи 9783 нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдамиз. Уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида даволаш муолажаларигагина таяниб қолмай, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи тадбирларни ҳам ташкил этиб боряпмиз.

— Эътибор қилган бўлсангиз, залимизда телевизор ишлаб турибди, — дея суҳбатга қўшилади ҚВП касаба уюшма қўмитаси раиси Зиёда Раҳматуллаева. — Тарғиботда бизга шу техника ҳам жуда қўл келади. Аҳоли шифокорга кўриниш ёки муолажа олиш учун келганда, албатта, залдаги ўриндиқларда тин олиб, навбатини кутади. Шу вақтда «Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари», «Қариндошлар ўртасидаги ўзаро никоҳнинг оқибатлари», «Она сути билан озиқлантиришнинг фойдалари» каби мавзулардаги DVD дисклар эътиборга хавола этилади. Бўш вақтдан унумли фойдаланиш орқали уларнинг онгига ижобий таъсир ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Ишларимизнинг яна бир ютуғи сифатида ҳудудимизда сўнгги беш йил ичида оналар ўлими қайд этилмаганини кўрсатиш мумкин.

ҚВП жамоаси касаба уюшма тадбирларида ҳам фаол. Ўтган йилги тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан ташкил этилган спартакиадада умумий ҳисобда иккинчи ўрин забт этилди. Шунингдек, ҳамширалар Феруза Зокиржонова, Кумушхон Аҳмедова волейбол бўйича вилоят терма жамоаси сафида республика спартакиадасида муносиб иштирок этишди.

ҚВП мудираси Малика Эралиева жамоат ишларидаги фаоллиги, ташаббускорлиги учун Соғлиқни сақлаш вазири ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг, шунингдек, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқларига сазовор бўлган.

Хуллас, эзгу мақсадни шиор этган тиббиётчиларнинг меҳнат маҳсули аҳоли саломатлигини таъминлашга қўшаётган беқиёс ҳиссасида яққол кўринади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Кўнгилдаги кечинмалар

ЯХШИЛИК

Яхшилик онамдир,
яхшилик — отам.
Мен яхшилик боласи
Безиб кетдим ёмонликдан.

НУР

Сен билан тим қора кечада
Дунёнинг кўнглига
Чироқ тутиб турамиз.

ЁҒДУ

Ёғду худди онамга ўхшайди,
Яхшилик истайди
Оламга.

ДУНЁ

Оппоқ бўлган асли бу дунё,
Оқликдан кўзи қамашган
Одам —
Соясидан яратган
қоп-қора рангни.

СЕВИНЧ

Кўзимдаги сув
шунчалик шўрки,
Севинчдан йиғласам ҳам
Ширин бўлмайди.

ҚАЛАМ

Юрагимдаги оппоқ туйғуни
Қоп-қора қилиб ёзади —
Қордек оқ қоғозга доим.

ОНА

Оёғимни ерга қўймасам
бўлмас,
Аммо ер онам-ку.
Нечун юзига оёқ қўяман?!

ИШОНЧ

Шошқалоқ олтинимсан,
Бир оз тўхта —
Ўзимга келай.

АДОВАТ

Кўзларинг шунчалик
хунуклигини
Билганингда —
Менга бундай қарамасдинг.

ТУҲМАТ

Қани эди сен
бўлмасайдинг,
Дунёга келмасайдинг,
Янада чиройли
бўларди дунё.

Амина ҚОДИРОВА

Эҳтиром

Баҳорнинг илк байрами – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мўътабар онажонларимиз, опа-сингилларимизни қутлашга шошиламиз, бор меҳр-муҳаббатимизни пояндоз қиламиз.

Меҳримиз пояндоз

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорига асосан Андижон вилоятидаги корхона ва ташкилотларда «Аёлни қадрлаш — миллатни қадрлаш» шиори остида байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Асакадаги «GM-Ўзбекистон» автомобилсозлик қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан хотин-қизлар учун ташкил этилган тадбир барчага кўтаринки кайфият бағишлади. «София» кафесида бўлиб ўтган тадбирда жамоада меҳнат қилаётган 300 дан зиёд хотин-қиз таклиф этилиб, уларга байрам дастури намойиш этилди.

— Аёлларни қанча қадрласак, шунча оз. Корхонамизда аёллар учун алоҳида меҳнат ва дам олиш шароити яратилган, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Мирфозил Олимов. — Жамоамизда меҳнат қилаётган ҳар бир хотин-қиз бугунги тадбирда мароқли маданий ҳордиқ чиқарди. Тадбир доирасида «Қувноқлар ва зукколар» , «Келин салом», «Сумалак сайли» ва «Пишириқлар танлови» сингари кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Истиқлол ёшлари

Интилувчан, тадбиркор

Алима Раметиллаева ёш бўлишига қарамай кўплаб ютуқларга эришган. Изланиш ва ҳаракатдан тўхтамай фақат олға интилиш, нимаики тўсиқ бўлса, уни енгиб ўтиш керак, деган шиор билан яшаётган қизимиз ҳозирда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали қошидаги академик лицейнинг ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши III босқич ўқувчиси.

— Қорақалпоқ миллий каштачилигини эгаллашимда опам Кумушой Раметиллаеванинг ҳиссаси катта, — дейди Алима. — Ўн ёшимдан буён ушбу ҳунарнинг сир-асрорини ўрганаман. Икки йилдан буён тадбирлар, фестивал ва кўргазмаларда қатнашяпман. Ўн олти ёшимда якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтдим. 4 нафар ходимим бор. Лицейимизда ўқиётган ўн беш нафар қизга ўз ҳунаримни ўргатиб келмоқдаман. Ўтган йили «Менинг бизнес ғоям» танловининг республика босқичида қатнашиб, сертификат олган бўлсам, Нукус шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмасининг кўрик-танловида 1-ўрин, республика босқичида эса 4-ўринни эгалладим. Яна кўплаб шундай тадбирларда қатнашдим. Бундан ташқари, чет тилларни мукаммал ўрганишга ҳаракат қиляпман. Олий мақсадим — ёшларга шунчалар эътибор бераётган Ватанимга муносиб фарзанд бўлишдир.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Табриклаймиз,
ҚУТЛАЙМИЗ!

Ishonch
2014-yil 8-mart № 31 (3380)

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Муҳтарама онахонлар, дилбар опа-сингилларимизни, хусусан, тиббиёт соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган, кўнгли эзгуликка лиммо-лим азиз шифокорлару ҳамшираларни баҳор ва нафосат айёми бўлмиш 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этамиз. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилаймиз. Оналик саодати, бекалик салтанати, аёллик нафосати, элнинг ҳурмат ва эҳтироми ҳамиша ёр бўлсин!

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА санаторийси» МЧЖ жамоаси

Гўзал диёримизнинг барча аёлларини ва соҳада меҳнат қилаётган лобару дилбар опа-сингилларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий қутлайди. Баҳор гуллари каби гўзал аёллар, Сизларга бахт-саодат, омад ва қувонч, оилавий тотувлик ва фарзандлар камолини кўриш насиб этишини тилаб қоламиз!

«СМ-Ўзбекистон» қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Баҳор ва нафосат айёми 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан мунис ва меҳрибон онахонларимиз, лобар опа-сингилларимизни чин дилдан муборакбод этади. Баҳорий кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин. Юзингиздан кулгу, лабингиздан табассум аримасин, азиз аёллар!

«Бекободцемент» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси

Ҳаётимиз гуллари – мунис аёлларни, опа-сингилларимизни 8 март – баҳор ва нафосат айёми билан чин дилдан самимий муборакбод этади. Оилавий хотиржамлик, гўзаллик ва латофат, бахт-саодат доимо ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

8 Марти

Тошкент электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти

Мамлакатимиз аёлларини уйғониш фасли бўлмиш баҳор айёмининг илк байрами— 8 март билан чин юракдан муборакбод этади! Саодатли юрт маликалари, барчангизга соғлик-саломатлик, бахт ва саодат, оилавий хотиржамлик, доимий қувонч ва шодлик тилаймиз! Лабингиздан табассум аримасин, азиз ва мунис аёлларимиз!

8 Марти

«Зомин санаторийси» МЧЖ жамоаси

Соҳада меҳнат қилаётган аёлларни, барча мунис ва муҳтарама онахонларимиз, опа-сингилларимизни 8 март – баҳор ва гўзаллик байрами билан чин дилдан қутлайди! Ҳаётимиз гуллари бўлмиш азиз аёллар, Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва хотиржамлик ҳамиша ёр бўлсин. Баҳорий кайфият ҳеч қачон сизни тарк этмасин!

Дардимга дармон топдим

Хатирчи туманидаги Келачи қишлоғида яшайман. 1950 йилда туғилганман. 5 нафар фарзандим бор. Шифокорман. Турмуш ўртоғим ҳам ушбу касб соҳибаси. Анчадан бери бетоб бўлиб, қон босимим ошар, нафас қисиш, ҳолсизлик, иштаҳа йўқлиги, овқат еганда бўғилиш ҳолатига тушиб қолгандим. Болаларим ишхонасидан йўлланма олиб, қўярда-қўймай санаторийга жўнатишди.

ЎзКУФК олиб бораётган ислоҳотлар туфайли ходимларнинг яқинлари ҳам сиҳатгоҳда дам олиш ҳуқуқига эга бўлаётгани мени кўп қувонтирди. Ана шу ғамхўрлик ва эътибор самараси сифатида «Зомин санаторий»сида дәволандим.

Сиҳатгоҳ ходимлари хушмуомалалик билан кутиб олишди. Янги қурилган меҳмонхонадан жой беришди. Жиҳозлар яп-янги, кўрпа-тўшак, чойшаб, сочиқларни биринчи бўлиб биз ишлатдик. Эрталаб қоронғу аралаш сўқмоқ йўлдан юқорилаб, тоққа чиқиб кетдик. Юролмасам керак, деб ўйлагандим. Зоминнинг ҳавосими, иқлимими, хуллас, нимадир менга куч бағишлади. Ҳаводан қанча нафас олсам ҳам тўймайман денг. Юқорига чиққанимизда тонг ёришган эди. Тепадан атрофга қарасангиз арчазор, тоғу тошлар, булоқ сувлари, сиҳатгоҳ биноси ажиб манзара касб этади.

Кемпингларни айтмайсизми?! Зомин сиҳатгоҳи ҳудудида юриб Ўзбекистонимизнинг жаннатмонанд юрт эканлигига яна бир карра ишондим.

Севимли газетамиз орқали, аввало, менга шундай дам олиш имкониятини берган ЎзКУФК раҳбариятига, сўнгра танимга ором ва шифо берган «Зомин санаторийси» ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Соғлигим тикланди, халқимга, Ватанимга фойдам тегсин, деб яна ишга қайтдим.

А.НУРМАМАТОВ,
Хатирчи туман Саломатлик маркази услубшунос врачи

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»

ОАЖ касаба уюшма қўмитаси жамоаси

Азиз онахонлар, мунис аёллар, опа-сингилларимизни баҳор фаслининг гўзал байрами бўлмиш 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан муборакбод этади. Ҳар биринизга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт, бетакрор юртимизнинг равнақи йўлидаги ишларингизда янгидан-янги зафарлар тилаймиз. Сизларни гўзаллик ва нафосат ҳеч қачон тарк этмасин. Ҳаётингиз баҳор гулларидек ифорли, умрингиз қувончларга тўла бўлсин!

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 8-mart № 31 (3380)

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ТОЙЛОҚ ТУМАН КЕНГАШИ

Юртимиздаги мўътабар онахонларни, барча хотин-қизларни, шу жумладан, Тойлоқ туман ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган аёлларни, ёшлар камолоти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий муборакбод этади.

Касаба уюшма спорти

Андижон давлат университети хорижий тиллар факултети спорт мажмуасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси соврини учун «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида мусобақа ўтказилди. Тармоқлараро спартакиадада вилоятдаги турли корхоналар жамоалари сафида 200 дан зиёд хотин-қиз ўзаро баҳсга киришди.

Кўтаринки кайфиятда

— Мусобақаларни ташкил этишдан асосий мақсадимиз, авваламбор, хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни кенг тарғиб этишдан иборат, — деди вилоят КУТБ маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ферузахон Қурбонова. — Аёлларимизни спортга ошно этиш орқали уларнинг оилалари ва фарзандларига ўрнак кўрсатиш, соғлом бола тарбиясига ҳисса қўшишдир.

Ўтган йилгидан фарқли равишда бу йил мусобақа ғолиблари жамоа ҳисобида аниқланиб, ҳар бир ғолиб ўз жамоасига қўшимча балл келтирадиган бўлди. Бу эса мусобақаларнинг янада қизғин ўтишини ва бу баҳсларда янгидан-янги жамоаларнинг иштирок этишини таъминлади.

— Илк бор қатнашаётган бўлсакда, аёллар волейбол жамоамиз чиройли ўйин кўрсатди, — дейди «GM — Ўзбекистон» қўшма корхонаси Сифат бошқармаси ходими Одинахон Мирзаева. — Байрам арафасида аёлларни эъзозлаб, шундай мусобақалар ташкил этган касаба уюшма ташкилотларидан миннатдормиз.

Қизиқарли ўтган беллашувларда умумжамоа ҳисобида Таълим, фан ва маданият ходимлари, Агросаноат мажмуи ходимлари, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси жамоаларига совринли ўринлар насиб этди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Мухлис изҳори

ЎЗБЕК АЁЛИ

Кеча-кундуз фарзандида фикру хаёли,
Фариштасиз, меҳри чексиз офтоб мисоли,
Дуо қилар қулсин дея болам иқболи,
Фарзанд учун жони нисор ўзбек аёли.

Бахт нурига чулғаб олар бутун дунёни,
Ҳаётининг гултожи деб билгай ҳаёни,
Алласида қуйлагайдир меҳру вафони,
Бешик қучиб тонг оттирган ўзбек аёли.

Хира тортса кексайганда мунис кўзлари,
Парво қилмас ажин босса нурли юзлари,
Кўнгилларга шифо эрур ширин сўзлари,
Гўзалликнинг тимсолидир ўзбек аёли!

Гулбаҳор АЛИЕВА,
Тошкент шаҳри

ГУЛЛАР

Кўнгил олмоқ эдим гулдаста билан,
Қизил, ол, оқи бор ранг раста билан,
Севгучи юрагим шикаста билан,
Гуллар, гуллар, гуллар, гул баҳона-да.

Ёнингизга келдим ишдан куч олиб,
Мисли гул шохида ошиқ андалиб,
Юрагимни созлаб, ажиб куй чалиб,
Шеърлар, шеърлар, шеърлар, шеър баҳона-да.

Яшамоқдан мақсад сизга эш бўлмоқ,
Дард келганда ҳамдард, кулса дил кулмоқ,
Сизсиз ҳаёт йўқдир, тириклай ўлмоқ,
Яшамоқ, яшамоқ, бир баҳона-да...

Сарвар МАМАДИЕВ

Тадбир

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорликда Хотин-қизлар байрамига бағишланган «Аёлни қадрлаш — миллатни қадрлаш» мавзуида тадбирлар ташкил этмоқда.

АРДОҚ

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги «Ширин» қаҳвахонасида вилоят таълим муассасаларида меҳнат қилаётган бир гуруҳ аёлларга тантанали байрам тадбири уюштирилди.

— Барча шаҳар ва туманларда фидокорона меҳнатлари билан ёш авлод тарбиясига ҳисса қўшаётган икки юз нафардан ортиқ хотин-қиз тармоқ касаба уюшмаси томонидан тақдирланди, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Акбар Абдусаидов.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси.

I. 2014 йил 8 апрел куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ташкил қилинадиган мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига Бухоро ҳудудий электр тармоқлари ОАЖ билан ҳамкорликда жамият ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда.

ЛОТ №	Ҳаётгаяраспорт воситаси русумы	Чиқарилган йили	Давлат рақами	Ҳар бирининг бошланғич баҳоси (сўм)
1	Иж-2715	1987	20 AL 997	800 000
2	УАЗ 469	1983	20 AF 048	1 300 000
3	АВИВ А,31,1	1995	20 AJ 482	3 300 000
4	УАЗ-452	1982	80/668QAA	1 500 000
5	ГАЗ-31029	1992	80/658QAA	2 200 000
6	УАЗ-31512	1991	20 AF 540	2 800 000
7	МАЗ-8926	1989	20 B 378	1 500 000
8	АВИА А 31Н	1995	20 AJ 517	900 000
9	ГАЗ-52	1977	20 AE 574	2 000 000
10	ГАЗ-5227	1981	80/621QAA	2 000 000
11	ГАЗ-69	1969	497 AC 20	190 000

ЛОТ №	Номер	Чиқарилган йили	Давлат рақами	Ҳар бирининг бошланғич баҳоси (сўм)
12	ГАЗ-5227	1978	80/624QAA	1 700 000
13	ГАЗ-5202	1986	20AE184	205 000
14	ГАЗ-5227	1986	20 AE 186	1 500 000
15	2ПТС-4-793	1996	8231 БВ	300 000
16	Т-28х4МС1	1978	2268 БО	1 400 000
17	Т-28х4МС1	1988	2220 БО	2 000 000
18	Т-28х4МС1	1990	2261 БО	1 500 000
19	МТЗ-80ХА	1990	1037 БО	3 400 000
20	Днепр	1996	20 В 471	300 000
21	Днепр 16	1996	20 В 472	300 000
22	Днепр 16	1996	20 В 473	300 000

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 07.04.2014 йилга қадар соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 - 14:00 тушлик).

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қават). Тел: 8 365 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263

II. 2014 йил 18 март куни соат 14:30 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига «O'zbekinvest Hayot» шўъба хўжалик жамияти шаклидаги суғурта компаниясининг 25.12.2013 йилдаги 1022-сонли буюртмасига асосан компания ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда. 1-ЛОТ. НЕКСИЯ русумли давлат рақами 01/ 747 VAA бўлган автотранспорт воситаси; бошланғич баҳоси 5 807 954 сўм. 2-ЛОТ. НЕКСИЯ русумли давлат рақами 01/ 767 VAA бўлган автотранспорт воситаси; бошланғич баҳоси 5 805 234 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 17 март кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ, х/р: 20208000005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082.

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ манзил: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (7-қават) Тел: 8 371 233-21-18. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Хизматлар лицензияланган.

Бир оғиз ширин сўз, битта атиргул...

8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан дугонамга нима совға қилсам экан-а? Ширинликми, бирор кийимми...? Яхшиси, унга атиргул совға қиламан.

Тўғриси, байрамлару яқинларимизнинг таваллуд кунларида қанақа совға олиш муаммоси ҳар доим ҳам осонгина ечим топавермайди. Ҳамма гап яқинимизнинг кўнглидагини топиб, унга муносиб совға танлай олишимизда-да.

Масалан, қизларга сиз мучал ҳисобида илон йилида туғилибсиз деб, оддий тахтадан ясалган, аммо бир қарашда табиий бўлиб кўринган илон совға қилиб кўринг-а...

Совға танлаш оддий, аммо ўта нозик жараён. Йигитлар кўп ҳолларда, айниқса, байрамларда онасига, опасингилларига ва аёлига қандай совға беришни билмай, ҳар мақомга йўрғалашади. Аслида, аёл учун бир оғиз ширин сўз ва битта атиргулнинг ўзи кифоядир. Бозорларда гул расталари ёнидан ўтар эканмиз, гулларнинг ҳидига тўймаймиз, уларнинг хушбўй ифоридан сархуш бўлиб, гулларнинг баҳосини сўрамасдан, уни бир бор ҳидламасдан кетолмаймиз.

Совғани эгасига берганимиздан сўнг «совға сизга ёқдими?», деб сўрашимиз ҳам аслида шарт эмас, чунки, ундай пайтда «йўқ» деган жавобнинг ўзи бўлмайди, албатта. Совғамизнинг ёққан ёки ёқмаганлигини унинг чеҳрасидан билиб олишимиз қийин эмас.

Қизиқ, гулларнинг тикони бўла тураб, нега уларни яхши кўрамиз, нима учун уларни кўрганимизда доимо кулиб боқамиз? Ростдан ҳам ажойибмиз-а?!.

Назокат МАШАРИПОВА

«Байрам» топқирлик машқлари

КРОССВОРД. Бўйига: 1. Шахмат бўйича аёллар ўртасида биринчи гроссмейстер. **2.** Мусиқали театр санъати устози, Ўзбекистон халқ артисти ... Раҳматова. **3.** Самарқандлик лирик ва эстрада қўшиқчилик санъатининг таниқли хонандаси. **4.** Кишининг ҳаётдан тўла мамнунлик ва беармонлик ҳолати. **5.** Ўзбек халқ рақс куйи. **41.** Абдулла Қаҳҳор ҳикояси. **46.** Таваллудига етмиш йил тўладиган ўзбек шоираси, таълимий, ахлоқ-одоб мавзуига оид асарлар муаллифи. **47.** Мақолдан: «...нинг сариштаси — рўзғорнинг фаришгаси.»

Энига: 6. Хушбўй суюқлик. **13.** Оиладаги катта қиз. **17.** Баҳор фасли гули. **27.** Мулойим, майин ва ёқимли. **31.** Ёзувчи Соҳиб Жамолнинг «Гули сиёҳ» романи қаҳрамони. **35.** Моҳир тикувчи аёл. **38.** Алишер Навоийнинг севгилиси. **48.** Тирноқ пардози ашёси.

Занжир ҳолида: 7. Турфа рангдаги миллий ипак газлама. **8.** Ўзбек театр ва кино санъати намояндаси, оналар образининг моҳирона ижрочиси. **9.** Энг юксак баҳо. **10.** Мақолдан: «...га бўлган муҳаббат – Ватанга бўлган муҳаббатнинг куртаги.» **11.** Оқибатини ҳисобга олган ҳолда юритиладиган мулоҳаза. **18.** Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги адолатпарвар, мехрибон, оқила ҳукмдор аёл сиймоси. **19.** Зеб-зийнат буюми. **20.** Матога игна билан тикиб туширилган гул, нақш. **21.** Насрий асарлар ёзувчи ижодкор аёл. **22.** Тантанали, шодиёна кун. **23.** Изқуварликка оид саксон бешта роман ёзган инглиз адибаси. **24.** Қимматбаҳо металлдан ясаладиган зийнат буюми, зирак. **25.** Устоз рақоса, Ўзбекистон халқ артисти Малика ... **26.** Дўстона муносабат. **31.** Қуннинг мусаффо пайти. **32.** Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи, «Ҳумоюннома» асари муаллифи. **33.** Қимматбаҳо шиша, тош кабилардан ипга тизилган, бўйинга тақиладиган зийнат буюми. **42.** Нодира тахаллуси билан танилган ўзбек мумтоз ғазалнавис шоирасининг асл исми. **43.** Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида баён этилган Ҳумоюннинг волидаси. **44.** Эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мудда. **45.** Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги вафодор ёр образи.

Диагонал бўйича ўнгга: 1. Инсоннинг яқинларига самимий муҳаббат туйғуси. **12.** «... билан адаб – эгизак.» **14.** «Парвона» драмаси қаҳрамони. **16.** Иссиқлик, ҳарорат. **28.** Атоқли ҳинд адиби Рабиндранат Тагор романи асосида суратга олинган «Ганг дарёсининг қизи» филми қаҳрамони. **30.** Шодиёна давра қўшиғи. **36.** Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи қаҳрамони. **37.** Ҳикматдан: "Аҳил ... жамият фаровонлиги." **39.** Бола тарбияловчи аёл.

Диагонал бўйича чапга: 2. Мамнунлик ҳисси, ғурур, ифтихор. **13.** Тартибга солинган, безатилган ҳолат. **15.** Волидаларнинг азалий қўшиғи. **27.** Оқ, сариқ тусда очиладиган кўркам гул. **29.** Ҳинд аёлларининг либоси. **35.** Тинчлик рамзи ҳисобланувчи гул. **40.** Билимдон, оқила аёл.

МУАММОНОМА. Аввало, шоирларларнинг қуйидаги ибратли мисралари ва халқ ҳикматида келтирилиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

Алишер Навоий:
1. Олижаноб хотинга киши **16, 6, 11, 15** бўлса,
Уйнинг зийнати – **5, 23, 5, 22, 2, 24, 2.**
Ҳусни бўлса кўнгилга марғуб,
Яхши ақли бўлса жонга матлуб.

Хусрав Деҳлавий:
2. Аёл **5, 20, 2, 4, 1, 19** эр ишбилармон,
Демак, кундан-кунга обод хонадон.

Носир Хисрав:
3. Ёшлик телбаликни чиқар бошингдан,
5, 8, 1, 8, 12 хизматида бўлгил ёшингдан.

Умар Ҳайём:
4. Сенинг мафтунинг ман берайин **21, 1, 18, 1, 23,**
Уни икки сўзла этай мухтасар:
Ишқинг тупроқ қилгай, аммо меҳрингдан,
Бошимни кўтариб, бўлгум жилвагар.

5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур:
Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
3, 25, 8 шуҳласену ул шуҳлага мен кулдурмен,
Нисбат **22, 13, 20, 15, 6, 23** деб интижоб айлаким,
Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон:
6. Бир **7, 13, 23, 9, 2, 10** мен уни, шунчалар ғўзал,
Ойдан-да ғўзалдир, кундан-да ғўзал!

Ғафур Ғулом:
7. Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат,
26, 1, 11, 5 ҳунаридир, меҳнат одати.

Халқ ҳикматидан:
8. Айтчи дўстим, ҳаёт қандай бўларди,
20, 2, 14, 4, 1, 23 туғилмаса, она бўлмаса?!
Ўзинг ҳам **9, 6, 8, 17, 12, 1** қандай келардинг,
Онанг сени туғиб, қувнаб кулмаса?!

Энди шаклнинг остки қисми атрофидаги рақамларни калит сўзлари жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириш асосида муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан ибратли сўз ва уни ёзиб қолдирган мумтоз адиб номи аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.30
Topshirildi - 22.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 318 22448 nusxada bosildi 12 45